

# Объектларни жорий таъмирлаш бўйича

166605/1 -сонли

Лот: 22120012166605

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

Карши. ш.

"1" июн 2022 йил

Кейинги ўринларда "Бош пудратчи" деб юритиладиган "Кашкадарё йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси" номидан директор Б.Вафаев бир томондан ва кейинги ўринларда «Ёрдамчи пудратчи» деб юритиладиган **УНИВЕРСАЛ ТАЪМИР ТАМИНОТ ИЧК** номидан Устав асосида иш юритувчи директори **Т.Ахатов** иккинчи томондан, хужжатларида назарда тутилган ишлар хажми миқдорида) доир мазкур пудрат шартномани туздилар.

### I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қўйидаги таърифлар кўлланилади:

**ижро хужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъуль бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргалиқда обьект қайта қуриш қилишга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айrim масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

**қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Бош пудратчи томонидан Ёрдамчи пудратчига ажратилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** - Ёрдамчи пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Ёрдамчи пудратчи мазкур шартнома бўйича обьектда қайта қуриш қилиш ишларини лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Бош пудратчи эса Ёрдамчи пудратчига қайта қуриш қилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

**"Объектнинг" номи: 4Р91В "КАРШИ Ш. (Х ОНАБОД КУЧАСИ) 0-2 КМНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ МАВЖУД ТУНГИ ЁРИТИШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ**

3. Мазкур шартнома бўйича "Объектнинг" умумий қиймати ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **662 000 000,0** (**Олти юз олтмис иккى миллион**) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қўйидаги ҳоллар бундан мустасно:

объектнинг қайта қуриш қилиши ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажкор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар хажми Бош пудратчи томонидан ўзгартирилганда;

объектни қайта қуриш қилиши ишлари муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. Лойиха-смета хужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Ёрдамчи пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айrim иш ҳажмлари ва харажатлари смета хужжатларида кўзда тутилган маблаглардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблагни айrim харажатлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг

умумий қиймати доирасида асословчи хужжатлар асосида Баш пудратчининг руҳсати билан йўналтирилиши мумкин.

#### IV. ЁРДАМЧИ ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6. Мазкур шартнома бўйича Ёрдамчи пудратчи шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

қайта куриш қилиш ишлари бошланишдан олдин обьектда қайта куриш ишларини олиб бориш даври учун, Баш пудратчи иштирокида қайта куриш қилинаётган йўл қисмини ва ундаги мавжуд йўл элементларини далолатнома асосида йўлдан фойдаланувчи ташкилотдан қабул олади ва курилиш-монтаж ишлари якунлангандан сўнг фойдаланувчи ташкилотга топширади. Қайта куриш қилиш ишлари олиб борилаётган даврда ушбу йўл қисмидаги йўл ва йўл иншоатлари элементларини сақлаш ишларини амалга оширади;

объектнинг ижро хужжатларини расмийлаштириш ва Баш пудратчига топшириш, курилиш материалларининг мувофиқ сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

шартнома шартларига асосан обьектни Баш пудратчига тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиҳа-смета хужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойиҳачи ташкилотнинг тегишли хulosаси асосида амалга оширилиши мумкин;

барча ишларни мазкур шартномадаги бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан қурилиш қондалари ва меъёларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни Баш пудратчига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни амалга оширади;

зарур ҳолларда қурилиш майдони худудида вақтингчалик иншоатлар куради;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтқазилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

мазкур шартнома бўйича обьектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтингчалик бинолардан бўшатади;

қурилиш майдони қўриклинишни таъминлайди;

ўрнатилган тартибда обьектни суғурталанишини таъминлайди;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

войиҳа-смета хужжатларига асосан мухандислик коммуникацияларни қуриш, кўчириш (газ, алоқа, сув, канализация, электр утказиш тармоқлари ва ҳаказо) бўйича махсус ёрдамчи пудрат ташкилотларини жалб қилган ҳолда қурилиш-монтаж ишларини бажаришни ўз зиммасига олади.

7. Ёрдамчи пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда обьектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Баш пудратчи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради. Ёрдамчи пудратчи бош пудратчи олдида ёрдамчи қушимча Ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганилиги ёки лозим даражада бажармаганилигининг оқибатлари учун жавобгар бўлади. Ёрдамчи пудратчи 3% микдорда бажарилган ишлар хисобидан Баш пудратчининг бошқа харажатларини қоплаб беради

Баш пудратчи Ёрдамчи пудратчи билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни ёрдамчи пудратчиларга қўймайди.

#### V. БАШ ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартномани бажариш учун Баш пудратчи:

Ишлар бажарилиши устидан доимий йўл қурилиши сифати назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Ёрдамчи пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Ёрдамчи пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ равиша қабул қилиб олишни таъминлаш;

Ёрдамчи пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун давомида Ёрдамчи пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

Баш пудратчи буюртмачи ташкилот томонидан манзил руйхати асосида пул маблаглари тулаб берилгандан сунг ёрдамчи пудратчи бажарилган ишлар учун хисоб китоб ишларини бажаради.

Бош пудратчи ёрдамчи пудратчига бажарилган ишларга нисбатан бунак пуллари тулайди

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

9. Ёрдамчи пудратчи мазкур шартнома кучга киргандан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

10. Мазкур шартнома бўйича кайта куриш килиш ишларининг муддати ҳамда бажариладиган ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

11. Ёрдамчи пудратчи бажарилган ишлар буйича Ф-2, Ф-3 хужжатлари тақдим килади.

-Ёрдамчи пудратчи марзкур шартномага асосан ишларни бажариш жадвалига мувофиқ муддатида бажармаса ҳар бир кечикирилган кун учун 0,1 фойздан, аммо шартнома бўйича муддатида бажарилмаган ишлар суммасининг 10 % дан ошиб кетмаган микдорида Бош пудратчига пеня тулайди

## VII. ТЎЛОВЛAR ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

12. Бош пудратчи Ёрдамчи пудратчига шартномага асосан бажарилган ишларга караб молиялаштириш ишларини бажаради.

13. Мазкур пудрат шартномаси кучга киргандан Ёрдамчи пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига мувофиқ объектда кайта куриш ишларини бошлайди.

14. Бажарилган кайта куриш килиш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган "Маълумотнома-хисоб-фактура"га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш амалда бажариладиган ишлар микдоридан фоиз хисобида таксимланган ҳолда ушлаб колиб, объектнинг шартномавий қийматининг 95 фоизидан кам бўлмаган микдорида амалга оширилади.

15. Объектнинг шартномавий жорий қийматидан 5 фоизигача микдоридаги маблаг, объект давлат қабул комиссияси томонидан фойдаланишга қабул килиб олинган кундан бошлаб 12 ойлик кафолат муддати ўтгандан сўнг, лекин молиявий йил якунланмасдан олдин молиялаштирилади.

16. Ёрдамчи пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳукукини ўзида сақлаб колади. Объект Бош пудратчига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфидан сақлаш Ёрдамчи пудратчининг зиммасида бўлади.

16. Ёрдамчи пудратчилар томонидан бажарилган ишлар лойиха смета хужжатларида курсатилган нарх-наволардан ошмаган ҳолда буюртмачига тақдим этилади.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

17. Бош пудратчи курилиш майдонида ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлади, у Бош пудратчининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Ёрдамчи пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

18. Техник кузатувчи ишлар бажарилшининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳукукига эгаидир.

19. Ёрдамчи пудратчи техник кузатувчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник кузатувчи Ёрдамчи пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда қатнашади.

20. Ёрдамчи пудратчи курилиш даврида Бош пудратчининг вакилини (техник кузатувчини) вактинчалик яшаш жойидан таъмирланадиган йўл кисмигача бориб келишига транспорт, курилиш майдонида иш жойи, лозим топилганда иш жойи (дала шароитида) таъминлашни ўз зиммасига олади.

21. Ёрдамчи пудратчи объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро хужжатларини, қилинган сарф-харажатларни Бош пудратчи томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан ойнинг охиригача объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган шаклларда ижро хужжатлари билан) кейинги ойнинг биринчи кунига қадар "Бош пудратчи"га топширади.

Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул килинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошка камчиликларга йўл қўйилганини аникланганда, кейинги ойларда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

Ишларни бажариш жараёнида, ишлаш технологияси ва сифатини бузмаган ҳолда, уз имкониятларидан келиб чиқкан ҳолда ишлаш усули ва машина-механизмларнинг бир туридан бошка ишлаб чиқариш куввати баланд/паст механизимларга алмаштириш ва амалда бажарилган иш ҳажмлари баҳосини аниклашда Ёрдамчи пудратчи амалдаги нарх ва механизимлар бўйича расмийлаштириш ҳукукига эга.

22. Ёрдамчи пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

23. Ёрдамчи пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини йўл қурилиши сифатини назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

24. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Ёрдамчи пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

25. Бош пудратчи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Ёрдамчи пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

26. Ёрдамчи пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Ёрдамчи пудратчи Бош пудратчи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

27. Ёрдамчи пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Бош пудратчига беради.

28. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Ёрдамчи пудратчи амалга оширади.

29. Ёрдамчи пудратчи ўзи томонидан курилишда қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

30. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул килиш бошланишидан 2 кун олдин Ёрдамчи пудратчини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Йўл курилиши ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясини ёзма равишда хабардор қиласди.

31. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (боскич) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (боскич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади. Ишларни куйидаги таркибдаги комиссия қабул қилиб олади: Бош пудратчининг вакили – техник назоратчи (раис), Ёрдамчи пудратчи ташкилот вакили – иш бажарувчи ёки уста, лаборант ва геодезист (зарур ҳолларда), йўлга хизмат кўрсатадиган йўл ташкилоти вакили, лойиҳа ташкилоти вакили (кўтариб турувчи конструкцияларни қабул қилиб олишда). Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар кайдомаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

32. Ёрдамчи пудратчи Бош пудратчининг ишларни курилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиши дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

33. Агар беркитиладиган ишлар Бош пудратчининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Ёрдамчи пудратчи Бош пудратчининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Ёрдамчи пудратчи Бош пудратчининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишлиарни Бош пудратчининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига ва қийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

Объектни қайта куриш қилиш жараёнида технологик жараён олиб борилишининг тўғрилиги, бажариладиган ишлар ҳамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралиқ ишларни қабул қилиб олишда Бош пудратчи томонидан комиссия таркибида иштирок этиш учун ушбу объектга хизмат кўрсатадиган йўл ташкилоти жалб этилиши мумкин.

Бажарилган ишлар ва йўлларнинг тугалланган конструктив элементларини ойлик (оралик) қабул қилиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-хисоб-фактура билан расмийлаштирилади.

Шунингдек, бир квартал ичида тугалланиши белгиланган конструктив элементлар учун объектга олиб келинган курилиш материаллари қиймати тўловга қабул қилиниши мумкин. Бунда объектга олиб келинган курилиш материалларини сифатли ва тўлиқ ҳажмда объект фойдаланишга топширилгунга қадар сақлаш Ёрдамчи пудратчи зиммасига юклатилади ҳамда толовга қабул қилинган курилиш материаллари бир квартал ичида конструктив элемент шаклига келтирилмаса Ёрдамчи пудратчи томонидан толовга тақдим қилинаётган иш ҳажмидан толовга қабул қилинган курилиш материаллари қиймати камайтирилади.

34. Агар Бош пудратчи Ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у ҳолда Ёрдамчи пудратчи ўз кучлари ва маблағлари хисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 31-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

35. Ёрдамчи пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ йўл участкалари ва йўлакларнинг озодалигини таъминлайди.

36. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Ёрдамчи пудратчи қайта куриш ишларини бажарилишини юритиш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Бош пудратчи ва Ёрдамчи пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, кунлик ўртacha ҳаво ҳарорати ва ёғингарчиликлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Бош пудратчи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Ёрдамчи пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Ёрдамчи пудратчи дафтарда Бош пудратчи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

37. Ёрдамчи пудратчи ишлар бошланишидан қайта куриш қилиш тугаллангунгача ва қайта куриш қилиш тугалланган обьект Бош пудратчи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган курилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

## X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

38. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулодда вазиятлар, фавқулодда ҳолат, юкори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

Ёрдамчи пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги ёки товарлар нархининг ошиб кетиши, Ёрдамчи пудратчида зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равища узайтирилади.

39. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Ёрдамчи пудратчи ва Бош пудратчи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласидилар.

40. Агар томонлар икки ой ичидаги келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳаққидидир.

## XI. ҚАЙТА ҚУРИШ ҚИЛИШ ИШЛАРИ ТУГАЛЛАНГАН

### ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

41. Қайта куриш қилиш ишлари тугалланган обьектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлартарадида бажарилган кейин, шунингдек қайта куриш қилиш ишлари тугалланган обьектларни фойдаланишга қабул қилиб шунингдек қайта куриш қилиш тугалланган обьектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

Ёрдамчи пудратчи обьектнинг маълум бир қисмини (пусковой комплекс - ишга тушириш мажмуаларини) алоҳида ишчи комиссиясига топшириши мумкин. Объектнинг ишчи комиссияга топширилган қисмини Бош пудратчи фойдаланишга қабул қилиб олади, ва йулдан фойдаланиш ташкилотига топширади.

Қайта куриш қилиш ишлари қилинган обьект ёки унинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) қуйидаги икки босқичда;

Объектнинг тугалланганлиги ва у қабул қилишга тайёрлиги туғрисида Ёрдамчи пудратчи ташкилотнинг хабарномасидан кейин ишчи комиссиялар томонидан;

Ишчи комиссияси тавсияномаси ҳамда обьектни фойдаланишга қабул қилиб олишга тақдим этиш туғрисида Бош пудратчидан хабарнома олингандан кейин давлат қабул комиссиялари томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

Ёрдамчи пудратчи ташкилот ишчи комиссияга қуйидаги хужожатлар тақдим этилади:

- курилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижроочилари кўрсатилган ҳолдаги руйхати;
- қабул қилишга тақдим этилган йўлнинг техник лойихаси ва ишчи чизмалари туплами ижро схемалари;
- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;
- йул курилиш материаллари ва йул тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупроқ жинслари) синовлари журнallари, мувофиқлик сертификатлари;

-ишларни бажариш ва муаллифлик назорати журнallари;  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Йўл қурилиши ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси томонидан курсатилган камчиликларни бартараф этиш далолатномалари.

42. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёrlиги тугрисида Ёрдамчи пудратчининг ёзма билдиришномаси асосида Бош пудратчи томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олинади.

43. Ёрдамчи пудратчи қайта куриш килиш тугалланган объективни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўlimига мувофик Бош пудратчига Ёрдамчи пудратчи томонидан белгиланган таркибда уч нусхада ижро ҳужжатларини беради. Ёрдамчи пудратчи Бош пудратчига ушбу ҳужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

44. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йўллардан фойдаланиш корхонаси балансига ўтади.

## XII. КАФОЛАТЛАР

45. Ёрдамчи пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;  
лойиха-смета ҳужжатларига, шахарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларига мувофик барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўrsatilgan сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объективдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз хисобидан бепул бартараф этишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

46. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қайта куриш килиш тугалланган объективни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

47. Агар объективдан фойдаланишнинг кафолат муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Ёрдамчи пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Ёрдамчи пудратчи ва Пудратчининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

48. Ёрдамчи пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўrsatilgan далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Йўл қурилиши ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясини томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича Кашкадарё иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

49. Бош пудратчи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Бош пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Ёрдамчи пудратчи томонидан уч ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

Ёрдамчи пудратчи томонидан шартнома шартлари шахарсозлик нормалари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

50. Ёрдамчи пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Ёрдамчи пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Бош пудратчи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Бош пудратчи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

51. Шартнома бекор қилинганда Пудратчи ва Ёрдамчи пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш 1 ой муддатда Пудратчига берилади, Бош пудратчи бажарилган ишлар қийматини Ёрдамчи пудратчига тўлайди.

52. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

53. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

54. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган томон:  
-Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида"ги Қонунда, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда ҳамда бошқа тегишли қонунларга асосан жавобгар бўлади.

-қайта қуриш қилиш ишларини олиб бораётган Ёрдамчи пудратчи қонунчиликка асосан ва шартномага мувофиқ Баш пудратчи олдида куйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

- сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;
- объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалламагани;
- Бош пудратчи билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ва бошқа иҳтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ускуналарни монтаж қилиш муддатларини бузилиши;
- объектнинг лойиха-смета хужжатларида белгиланган ерларни рекультивация қилиш ишлари бажариш ҳажмлари ва муддатларининг бузилиши;

-қайта қуриш қилиш жараёнида ёки оралиқ қабул қилишда Ёрдамчи пудратчи, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш;

-шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўлақонли бажармагани.

-Ёрдамчи пудратчи томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекиниш ёки бошқа камчиликлар мавжудлигида Бош пудратчи Ёрдамчи пудратчидан ўз ихтиёрига кўра нуқсонларни оқилона муддатларда ўз хисобидан бартараф этишни талаб қилиш хукуқига эга.

-Агар Ёрдамчи пудратчи ташкилот нуқсонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, Бош пудратчи ёки йўлдан фойдаланувчи ташкилот ўз кучи билан Ёрдамчи пудратчи хисобидан нуқсонларни бартараф этиш ҳамда нуқсонларни ўз вақтида бартараф этилмаганлигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш хукуқига эга.

55. Ёрдамчи пудратчи томонидан объективни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса Ёрдамчи пудратчи Бош пудратчига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

56. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Бош пудратчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Йўл қурилиши ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясининг хulosаси асосида объективни қабул қилиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиши, шунингдек Ёрдамчи пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 30 фоизи миқдорида жарима ундириш хукуқига эга.

57. Муддат ўтказиб юборилганилиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня ёки жарима тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

58. Ёрдамчи пудратчи бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқлиги тўғрисида сифат лабораториясининг тегишли хulosаси олишни ёрдамчи пудратчи уз хисобидан амалга оширади;

59. Ёрдамчи пудратчи томонидан бажарилган ишлари қабул қилиш комиссиясининг хulosасига асосан қабул килинган кейин 12 ой (1-ийл) давомида бажарилган ишлардан камчилик аниқланганда, ёрдамчи пудратчи ушбу камчиликларни бартараф этиш учун тулиқ жавобгар ҳисобланади.

60. Ёрдамчи пудратчи қурилиш объективини фойдаланишга қабул килувчи ташкилотлар талабига тулиқ жавоб берини уз зиммасига олади.

## XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

61. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Музокора натижасида келишувга келинмаган тақдирда низолар Кашкадарё вилоят иктисадий судларида эътиroz тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътиrozлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиши муддати эътиroz билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

## XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

62. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

63. Ёрдамчи пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Бош пудратчининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи Ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

64. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

65. Бош пудратчи билан Ёрдамчи пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

66. Агар Ёрдамчи пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Бош пудратчи Ёрдамчи пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳаклиди.

67. Буюртмачи томонидан ушбу обьект буйича маблаг Бош пудратчининг хисоб ракамига утказилгандан кейин, Бош пудратчи Ёрдамчи пудратчига бажарилган ишига караб хисоб-китоб амалга оширилади.

68. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

69. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

70. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб кучга киради. Шартноманинг амал қилиш мuddати 2022 йил 5-октябрьдан 2022 йил 31-декабрьгacha.

Шартнома кучга киргиз кундан бошлаб, томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича ҳуқук ва мажбуриятлари вужудга келади.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳолатлар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

## XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

### БОШ ПУДРАТЧИ

Кашкадарё ЙМФУК

Карши ш. Турткул куча №-2-үй

Х/Р : 22626000004562455008

Банк: АТБ Миллийбанк Карши ш

МФО: 00150

ИНН: 206 820 624

ОКЭД: 42 110

Тел: (55)-401-08-19

### ЁРДАМЧИ ПУДРАТЧИ

“Унверсал Таъмир Таъминот” ИЧК

Карши шахар Тошсарой 24-үй

Х/Р : 2021 0000 1042 5237 7001

Банк: АТБ Миллийбанк Карши ш

МФО: 00150

ИНН: 204 481 984

ОКЭД: 42 220

Тел: (75) 225-40-29

Директор :  Б.Вафаев

Директор :  Т.Ахатов